*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 72 (9568). ● 1989 йил 14 апрель ● жума ● Баҳоси 3 тийин.

## Ҳозирги даврда КПССнинг аграр сиёсати

### БУГУН ЎТАДИГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУН ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНАДИ

КПСС Марказий Комитети март Пленуми материалларини омма ўртасида кенг тарғиб этишга бағишлаб 14 апрелда ўтказиладиган ягона сиёсий кунда агросаноат комплекси, партия комитетлари аппарати ходимлари ҳам сиёсий докладчилар билан бирга иштирок этадилар.

Кеча область партия комитетида «КПССнинг ҳозирги даврдаги аграр сиёсати» мавзусидаги ягона сиёсий кунни ўтказишга бағишланган инструктив кенгаш бўлди. Кенгаш қатнашчилари ҳузурида Тошкент область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев сўзга чиқди. У КПСС Марказий Комитети март Пленуми ишлаб чиққан аграр сиёсатни амалга ошириш юзасидан область партия ташкилоти олдида турган вазифаларга эътиборни қаратди, саволларга жавоб берди.

Ягона сиёсий кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида меҳнаткашлардан тушган таклиф ва мулоҳазалар область партия комитетининг навбатдаги пленумида ҳисобга олинади.

# ҚАЙТА ҚУРИШНИ, ДЕМОКРАТИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш, революцион янгиланиш жараёнлари эндиликда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Халқимиз ўртасидаги барча ҳалол, илғор кишилар бу жараёнларни сўз билангина эмас, ўз иши, кундалик меҳнати билан фаол қўллаб-қувватламоқдалар.

Қайта қуриш демократияни ривожлантириш билан чамбарчас боғлангандир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, қайта қуриш тафаккур, ҳис-туйғу, ташаббуснинг қудратли оқимига эрк берди. Демократиялаш — ошкораликни қарор топтириш ҳамдир, ошкоралик ижтимоий муҳитни поклайди, онг-шуурни озод қилади, миллионлаб кишиларни актив бунёдкорлик фаолиятига жалб этади. Демократиялаш — бу одамларнинг туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги фаол иштироки ҳамдир, иқтисодий ислоҳот меҳнат коллективларига ўзларининг янги ҳуқуқларини чинакамига ҳис этиш имконини беради. Демократиялаш — бу сиёсий муассасаларимизнинг самарадорлигини тубдан оширишга имкон берадиган, социалистик халқ ҳокимияти потенциалини рўёбга чиқарадиган сиёсий система ислоҳотидир.

**Демократия фақат реал ҳуқуқларнинг кенгайишигина эмас, айни вақтда масъулият, интизом ва уюшқоқликнинг кучайиши ҳамдир**

Хуллас, демократияни ривожлантириш совет жамияти ҳаётининг барча жиҳатларига баракали таъсир этмоқда. Одамлар социализмнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган оғир оқибатлардан, турғунлик даври меросидан қутулиб, бефарқлик ва бегонасирашдан холи бўлмоқдалар, мамлакатнинг чин хўжайинларидек фикр юритиш ва ҳаракат қилишга киришмоқдалар. Халқимизнинг ижтимоий фаоллиги илгари сира бу қадар юқори бўлмаган эди, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. СССР халқ депутатлари сайлови бунинг ёрқин ифодаси бўлди. Одамлар амалда давлатни бошқаришни, ўзларининг гражданлик ҳуқуқларидан фойдаланишни ўрганмоқдалар.

Аммо биз шуни унутмаслигимиз керакки, демократия бу фақат реал ҳуқуқларнинг кенгайишигина эмас, айни вақтда масъулият, интизом ва уюшқоқликнинг кучайиши ҳамдир. Демократиянинг ривожланиши ҳаддан ошиб кетиш, анархияга, конституцион қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни барбод этишга йўл очиш эмас.

Шунга қарамай, ўзларини қайта қуришнинг тарафдорлари деб кўрсатаётган, аслида эса қайта қуришнинг турли ашаддий душман гуруҳлари демократиялаш, ошкоралик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш шиорларидан тез-тез фойдаланмоқдалар. Бу кимсалар демократияни бебошликка, ошкораликни ёрлиқлар ёпиштириш ҳуқуқига айлантиришни, ҳуқуқ ва эркни эса қонунсизлик ва ўзбошимчалик ўзанига солиб юборишни, жамият ва қонун олдидаги бурчларни инкор этишни истайдилар. Ўзининг ҳақиқий башарасини қайта қуриш тарафдори ниқоби остига яшираётган, ўзини ўзи раҳбар деб эълон қилган айрим экстремистлар ва миллатчилар Арманистон ва Озарбайжондаги воқеалар учун жавобгардирлар, бу воқеалар чоғида айбсиз одамларнинг қони тўкилди, мамлакатга ўрнини қоплаш қийин бўлган маънавий ва моддий зиён етказилди, Болтиқ бўйидаги, Молдавия ва бошқа регионлардаги миллатчилик ҳуружлари учун ҳам худди ана шу экстремистлар ва миллатчилар жавобгардирлар. Улар бугун Грузияда нифоқ уруғини сочмоқдалар, Тбилисидаги тартибсизликлар вақтида одамлар нобуд бўлди. Миллатчилик ҳуружлари тобора Советларга қарши ва социализмга қарши тус олмоқда.

Наҳотки бу — жамиятни янгилаш, демократиялаш жараёнларига мос бўлса? Бундай хатти-ҳаракатларни қайта қуриш, ошкоралик билан ниқоблаш юмшоқ қилиб айтганда, риёкорликдир. Бу ўринда гап социалистик қонунчилик тўғридан-тўғри бузилаётганлиги, жамиятимиз негизларига болта урилаётганлиги ва бунинг учун жавобгарлик ҳақида бориши керак.

Мамлакат ҳуқуқий давлат бунёд этиш йўлидан бормоқда. Аммо бундай давлатни бизнинг барча ташаббусларимиз, барча хатти-ҳаракатларимиз ва қарорларимиз қатъий ҳуқуқий асосда амалга оширилгандагина бунёд этиш мумкин. Қонунга риоя қилиш — ҳуқуқий давлатдаги турмуш тарзидир. Бу жамиятимизда ривожланиб бораётган янгиланиш жараёнларини ҳимоя қилишнинг кафолотларидан биридир.

Кўп газетхонлар бизга мактуб йўллаб, кейинги вақтда давлатнинг конституцион негизлари етарлича ҳимоя қилинмаяпти, ҳуқуқ муҳофазаси органлари ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга, Советларга қарши ҳуружларга, ашаддий миллатчиликка қарши курашни сусайтирдилар, деб таъкидлашмоқда, бунга кўшилмай илож йўқ. «Правда»га хат йўллаган муаллифлар якдил бўлиб тасдиқлашаётганидек, бундай позиция ҳуқуқий давлат принципларига батамом зид бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотга путур етказади. Газетхонларнинг фикрича, қонунчиликсиз демократиялаш анархияга ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлмаган оқибатларга олиб келиши мумкин, социализм ва қайта қуришни, демократия ва ошкораликни, уларга Советларга қарши унсурлар ва ҳар хил тусдаги ва экстремистлар томонидан бўладиган ҳуруждан ҳимоя қилиш учун қонун механизми зарур.

Бу борада муҳим қадам қўйилди. Бугун СССР Олий Совети Президиумининг «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунига ва СССРнинг баъзи бошқа қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги фармони эълон қилинмоқда. Ушбу фармон бугунги хатти-ҳаракатлари Совет давлати ва ижтимоий тузумини қўпоришга қаратилган, ушбу хатти-ҳаракатлари давлатга қарши жиноят қилган кимсаларни, миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузаётган, давлат органлари ва жамоат ташкилотларини ҳақорат қилаётган ёки обрўсизлантираётган кимсаларни қаттиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Аммо янги фармоннинг қабул қилинишини бирданига қонунчиликни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш йўлидан чекиниш деб ҳисоблаётган кишилар ноҳақдирлар. Мазкур ҳужжатда мафкуравий кураш усуллари билан давлатимиз негизларини барбод этадиган конкрет хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик ўртасидаги чегара аниқ белгилаб берилган.

Барча мамлакатларда ўз тузумини ҳимоя қиладиган ҳуқуқ нормалари амал қилиб турибди. Масалан, АҚШда давлатга қарши қаратилган жиноятлар учун қонунда 20 минг долларгача жарима солиш ёки 20 йилгача қамоқ жазоси назарда тутилган. Испанияда эса, кимки давлат обрўси ёки куч-қудратига путур етказиш нияти билан ёлғон-яшиқ, нотўғри ёки бир ёқлама овозалар ҳамда хабарлар айтса ёки тарқатса, ёхуд худди шу мақсадга эришиш учун бирон-бир хатти-ҳаракат қилса, 6 йилдан то 12 йилгача қаттиқ қамоқ жазосига ҳукм қилинади, гражданлик ҳуқуқидан батамом маҳрум бўлади. Швеция, Буюк Британия, Франция, ГФР ва бошқа мамлакатларда шунга ўхшаш қонунлар амал қилмоқда.

СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган мазкур фармон мамлакатда давлат ва жамоат тартибини мустаҳкамлашга ёрдам беради, совет кишилари бу фармонни қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қилиш мумкин. Аммо айни вақтда шуни назарда тутиш керакки, қонун нечоғлик яхши ва нечоғлик тўғри бўлмасин, ўз-ўзидан амал қилавермайди. Қонунни одамлар ҳаётга татбиқ этадилар. Шунинг учун ҳам қонунчилигимизга ҳозир ҳаёт тақозоси билан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни тўла-тўкис рўёбга чиқаришда партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига катта масъулият тушишини очиқ-ойдин айтиш керак.

Биз ҳамиша ҳам қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилаётганимиз йўқ. Ҳозиргача қабул қилинган қонунлардан Советларга қарши, социализмга қарши кучларнинг ҳуружларига, миллатчилик кучларининг ҳуружларига қарши қатъият билан фойдаланилмаётгани ҳақида анчагина фактлар бор. Масалан, бизда миллатлар ўртасига нифоқ солганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Барча конкрет вазиятларда ҳам ана шу ҳуқуқий нормадан тўла фойдаланилаяпти, деб айтиш қийин.

Коммунистларнинг ўз устав мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари учун масъулияти ва бунинг учун партия ташкилотлари томонидан талабнинг кучайтирилиши лозимлиги алоҳида аҳамиятга молик масаладир. Шуни эслатиб қўймоқчимизки, КПСС Уставига кўра партия аъзоси меҳнаткашлар оммасига пролетар, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги ғояларини изчиллик билан етказиши, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши кураш олиб бориши, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга актив ёрдам бериши керак. Лекин ҳамма коммунистлар ҳам ана шу муқаддас ва қатъий принципларга амалда риоя қилаяптиларми? Партия ташкилотлари ана шу принциплар бузилганида ҳамиша ҳам қатъият билан, принципиал йўл тутаяптиларми?

Ҳозир масъулиятли даврга кирган қайта қуриш жиддий синовлардан ўтмоқда, бу синовларга бардош бериш учун революцион янгиланиш барча кучларини яна ҳам жипслаштириш, коммунистлар ва ҳамма меҳнаткашларни партиянинг бунёдкорлик ғоялари теварагига мустаҳкам жипслаштириш лозим. Биз ҳормай-толмай ижодий меҳнат қилиб, совет тузуми пойдеворини, халқларимизнинг дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлашимиз, социализмнинг демократик, инсонпарвар қиёфасини сабот билан қарор топтиришимиз керак. Одамларнинг моддий ва маънавий турмушини яхшилашга, Советлар Ватанини мустаҳкамлаш ва гуллаб-яшнатишга қаратилган планларимизни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолоти худди ана шундадир.

**(«Правда» газетасининг 1989 йил 11 апрелдаги бош мақоласи).**

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган учрашувда республика ёзувчиларининг революцион қайта қуриш жараёнида қатнашиши билан боғлиқ масалалар комплекси кўтарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов учрашувни очар экан, республика Ёзувчилар союзи аъзолари билан мулоқотлар мунтазам тусга кираётганлигини, уларнинг ҳар бири катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бундай учрашувлар чоғида сўз усталарини тўлқинлантираётган муаммолар янада бўртиб, кўлами кўринмоқда. Турли фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда, мунозаралар бўлмоқда. Бу мунозаралар жамоатчилик фикрини тўлароқ аниқлаш ва ҳисобга олишга, қайта қуриш билан биргаликда ҳаётимизга кириб келаётган янгиликларни қўллаб-қувватлашга, у ёки бу салбий ҳодисалар, хатолар кўпайиб кетишидан холи бўлиш учун уларни ўз вақтида пайқаб олишга имкон беради.

Қайта қуриш жуда катта социал кучларни ҳаракатга келтирди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларидагина эмас, айни вақтда ижтимоий онгда, одамларнинг шуурида мураккаб жараёнлар кечмоқда. Бугунги кунда қайта қуриш келтириб чиқарган кўп нарсалар кишини қувонтиради. Лекин чўкиндилар ҳам бор, улар фақат ишга халақит беради. Ҳозирги учрашувнинг вақти белгиланмаган, манфаатдорлик билан батафсил суҳбат юритишга мўлжалланган. Биз ҳаммамиз қайта қуриш жараёнига, унга халақит бераётган барча нарсаларни бир четга улоқтирган ҳолда, бу жараённи янада ишонч билан олға силжитиш учун рўй бераётган воқеаларни мушоҳада этишимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистонда экономика, социал ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида кўплаб ўткир, ҳал қилинмаган муаммолар йиғилиб қолганлиги таъкидланди. Бу муаммолар бугун пайдо бўлгани йўқ, улар яқин ўтмишдаги нохуш турғунлик давридан бизга мерос бўлиб қолган.

Республика халқ хўжалиги ўтган ўн йилликлардаги хатоликлар таъсири остида турибди. Ялпи пахта ҳосилдорлиги кетидан қувиш, ерлардан ўйламай-нетмай фойдаланиш тупроқнинг тинкасини қуритибгина қолмай, айни вақтда пахтачиликни боши берк кўчага олиб кирди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ёмонлашди, атроф муҳитига зарар келтирилди. Ҳозир ана шу салбий хатоларни тугатиш — экономикани соғломлаштириш, пахта яккаҳокимлигини йўқотиш учун чоралар кўрилмоқда. Пахта майдонларини анча камайтириш ва уни секин-аста 1,7 миллион гектарга тушириш, алмашлаб экишни кенг жорий этиш мўлжалланди. Бу озиқ-овқат программасини ҳал этишга, республика аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга кўмаклашади. Экология вазиятини яхшилаш, Оролни қутқариб қолиш учун аниқ-равшан қадамлар ташланди.

Камчиликлар ва номутаносибликлар социал муаммоларнинг кескинлашувига ҳам таъсир қилди. Ўзбекистон территориясида яшовчи баъзи миллий гуруҳларнинг маънавий эҳтиёжлари ҳисобга олинмади, тил сиёсатининг ривожланиши суст бўлди. Қайта қуриш миллатлараро соҳадаги нохуш томонларни ёритибгина қолмай, айни вақтда демократия ва ошкоралик йўлларида уларни бартараф этиш учун шарт-шароитлар ҳам яратди.

Учрашувларда ишларнинг аҳволини босиқлик билан, амалий ва танқидий руҳда таҳлил этиш зарурлиги, ўткир муаммоларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини қидириш лозимлиги таъкидланди.

Шунинг учун ҳам ҳозир ёзувчилар сўзининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда. Ёзувчи сўзи ҳамма вақт пухта ўйланган ва масъулиятни сезган ҳолда айтилиши зарур. Кейинги йилларда республика Ёзувчилар союзига ёш, истеъдодли ижодкорлар келиб қўшилди. Уларнинг ижодий куч-қувватлари адабиётимиз узоқ вақтлардан бери фахрланиб келаётган етук ва тажрибали адибларнинг сўзлари билан бирлашиб кетиши лозим. Ҳаётни чуқур ўрганиш, одамлар ҳузурига бориш, уларнинг кундалик ҳақиқий ташвишлари ва орзу ўйларини ҳис этиш, ана шу нарсаларни ижодда ҳаққоний ва холис ифодалаш лозим.

Қайта қуришни ривожлантиришнинг ҳозирги масъулиятли босқичида ижодий кучларнинг жипслиги, ҳамжиҳатлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Совет кишилари тўплаган қадриятларга, халқларнинг ажойиб дўстлик ва қардошлик идеалларига, ягона социалистик Ватанимизга чексиз муҳаббат туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарур.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг фаолияти тўғрисида мазкур ижодий союз правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов ахборот берди.

Учрашувда Ҳамид Ғулом, Ш. Усмонхўжаев, С. Азимов, А. Мелибоев, Ҳ. Абдусаматов, Саид Аҳмад, Ҳ. Худойбердиева, О. Шарофиддинов, М. Кенжабоев, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Тоҳир Малик, Омон Матчон, О. Тоғаев, Б. Бойқобилов, Туроб Тўла, И. Раҳим, Тимур Пўлатов, М. Маҳмудов, Ў. Ҳошимов, А. Орипов, Муҳаммад Солиҳ, Р. Раҳмонов сўзга чиқдилар.

Учрашувда ёзувчилар ижодий меҳнати ва турмуш шароитларини, нашриёт ва таржимачилик фаолиятини, полиграфия маҳсулотлари сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилди.

Учрашув қатнашчилари барча саволларга конкрет жавоблар олишди. Саволларга Ўзбекистон ССР Молия министри И. И. Матисаев, Тошкент область ижроия комитетининг раиси А. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ. Ғуломов, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси М. А. Ғоибов жавоб беришди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

*• Дўстмиз, қардошмиз, ҳамкормиз •*

# «БИР ДУТОРНИНГ ИККИ ТОРИ...»

Ўзбеклар ва тожиклар — бир дуторнинг икки тори. Улар дўстлик ришталарини авайлаб-асрайдилар» — деган эди рамзий маънода шоир Мирзо Турсунзода.

Ўзбек ва тожик халқи ўртасидаги маданий алоқалар чинакам, қадимий анъаналарга, чуқур тарихий илдизларга эгадир. Маълумки, миллий маданият бошқа маданиятлар билан қанчалик мустаҳкам боғлиқ бўлса, у шунчалик тез ва самарали ривожланади, унинг мазмуни шунчалик бойиб боради, миллий хусусияти шунчалик яққол намоён бўлади. Ҳозирги давр халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, дўстона яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Халқ талантлари III Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтган Ўзбекистон ва Тожикистон ҳаваскор артистларининг ўзаро учрашувлари бунинг далилидир. Дастлаб республикамиз вакиллари Тожикистон диёрида — Ленинобод областининг шаҳар ва қишлоқларида бўлишди. Мана тожикистонлик меҳмонлар ҳам диёримизга келишди.

Қардош республиканинг ўттиздан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективи Жиззах ва Самарқандда, Фарғона ва Наманганда, Бекобод ва Ангренда, Олмалиқ ва Чирчиқда бўлди. Завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар меҳнаткашлари учун элликдан ортиқ концерт берди.

Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик катта театрида бўлиб ўтган байрам кечаси ана шу халқ ижодиёти кунларига якун ясади.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Умарбеков, Ленинобод область партия комитетининг секретари М. Ф. Раҳимова Ўзбекистонда Ленинобод области халқ ижодиёти кунлари чинакам дўстлик байрамига айланиб, икки халқнинг бирлиги ва маънавий яқинлигини намойиш қилганилигини таъкидладилар. Бутун Ўзбекистон бўйлаб Тожикистон вакиллари ғоят хушнудлик ва самимият билан кутиб олинди.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Ҳолмуҳамедов нутқ сўзлади.

Ўзбекистонга дўстлик туҳфаси тариқасида тожик халқ чеварлари тўқиган ва улуғ тожик шоири Абдураҳмон Жомийнинг расми туширилган гилам тақдим этилди.

Шоир Абдулла Орипов икки халқ дўстлигига бағишланган шеърини ўқиб берди.

Байрам концерти халқ талантларининг ёрқин намойишига айланди. Ленинобод шаҳар маданият уйининг «Махаста» халқ ансамбли қатнашчилари «Идона» рақсини зўр маҳорат билан ижро этадилар. Ранг-баранг миллий кийимлар кийган қизлар гўё ёрқин баҳор гулларидек кўзларни қамаштирарди. Андижоннинг «Сумалак» фольклор ансамбли жонажон ўлка тўғрисида қўшиқ вокал-хореографик композициясини ижро этди.

Ирригация-суғориш системаларининг инженери Н. Маҳкамов яқинда халқ ижрочилари конкурсининг ғолиби бўлган эди. У ушбу кечада томошабинларга дўстлик, севги ва жонажон ўлка ҳақидаги янги қўшиқларини туҳфа этди.

Шўх куй садоси остида саҳнада қиз-йигитлар қуршовидаги келин ва куёв пайдо бўлади: Ўратепа шаҳрининг «Дилшод» халқ этнографик ансамбли қадимий тўй маросимини гавдалантирди. Трикотаж фабрикаси ходимларини бирлаштирган бу коллектив ташкил этилганига 11 йил бўлди. Ансамбль Ўзбекистон ва Туркманистон, Қирғизистон ва Белоруссия, Украина ва РСФСРнинг кўпгина областларида концерт берди. Ансамбль қатнашчиларининг қадимий маросимларини излаш ва сақлаш соҳасидаги ишлари турли фольклор конкурсларининг совринлари ва эсдалик дипломлари билан тақдирланган.

А. С. Пушкин номли Ленинобод музикали комедия театрининг артисти Ҳожибой Тожибоев ижросидаги номерлар концертнинг юмористик саҳифасини ташкил этди. Тожикистон ССР халқ артисти Жўрабек Набиев ижросидаги қўшиқлар томошабинлар қалбига ҳузур бағишлади, албатта.

Тантанали кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

# ЁН ҚЎШНИМ — ЖОН ҚЎШНИМ

### ТОШКЕНТ ВА ЧИМКЕНТ ОБЛАСТЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ ИШЛАБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбек халқининг: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган мақоли бор. Қозоқ халқининг миллий достонларидан бирида ҳам худди шу маънодаги сатрларни ўқиш мумкин. Бу бежиз эмас, албатта. Ўзбеклар ва қозоқлар ери ерига туташ, суви сувига туташ, жондош-қондош қўшнилар ҳисобланишади. Улар ўз феъл-атворлари: меҳмондўстликлари, меҳнатсеварликлари, доимо бир-бирларига ёрдам беришга тайёр эканликлари билан жуда яқиндирлар.

Бу амалий ишларда ҳам неча бор тасдиқланган. Яқинда Тошкент областининг делегацияси қўшни Қозоғистонга сафар қилди. Сафардан мақсад амалий алоқаларни кенгайтириш, узоқ муддатга мўлжалланган, ўзаро фойдали ҳамкорлик программасини белгилаб олишдан иборат эди. Бизнинг вакилларимиз «Наврўз» баҳор байрамида қатнашдилар, Чимкент областининг партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари билан ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

— Ҳозир кўпчилик чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар тузишга интилмоқда, — дейди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов. — Бу керакли, фойдали иш. Лекин афсуски, камдан-кам одамлар ўзларининг энг яқин қўшнилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга интиляптилар. Ахир қўшнилар билан яқин муносабатда бўлиш жуда фойдали. Мен олдиндан нима бўлишини айтмоқчи эмасман, лекин Чимкент областига сафаримиз яқин орада баракали самара беришига ишонаман. Кўплаб учрашувларда тенглик асосида иқтисодий имкониятларимизни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Ҳар томонлама салмоқлаб кўрилган ва ўйланган фикрларимиз амалга ошиши табиий. Режаларимиз Тошкент аҳолисига ҳам, Чимкент аҳолисига ҳам жуда катта фойда келтиради. Хўш, қўшниларимиз ўз куч-ғайратларини нимага сарфламоқчилар?

Шартномада қўшма корхоналарни тузишга алоҳида эътибор берилди. Ана шундай корхоналардан бири — ғаллачилик корхонаси чорвачилик озуқа базасини жиддий равишда мустаҳкамлаши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

## Дала ишлари кундалиги







**БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА**

● РАҲИМ Сотиболдиев бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозида биринчилар қаторида чигит экишни қизитиб юбордилар. Улар 1989 йилда 128 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни режалашмоқда. Суратларда: (чапда) колхоз бош агрономи Юрий Хегай механизатор Маткарим Жумадилов ва сеялкачи Андрей Когайга маслаҳат бермоқда; экиш пайти; бригада етакчиси Раҳим Сотиболдиев.

А. Зуфаров фотолари.

*● Область партия-хўжалик активининг Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишидан*

# ХАЛҚ ЭҲТИЁЖИНИ ТЎЛА ҚОНДИРАЙЛИК

**ОБЛАСТЬ партия-хўжалик активининг яқинда Чирчиқда бўлиб ўтган йиғилиши социал соҳанинг муҳим тармоғи муаммоларига бағишланди. Унда меҳнаткашларнинг халқ истеъмоли буюмлари ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан область партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисидаги масала атрофлича, катта манфаатдорлик ва қизиқиш билан муҳокама қилинди. Бу соҳаларнинг ҳозирги вақтдаги аҳволи ва истиқболи, уларни устун суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, шу мақсадда амалга оширилиши лозим бўлган тадбир-чоралар ҳақида атрофлича фикр юритилди.**






Аввало шуни айтиш керакки, актив йиғилиши шу вақтгача таркиб топган усулда эмас, балки сал «бошқачароқ» бошланди. Анжуман қатнашчилари учун Тошкентдаги ва Чирчиқдаги айрим корхоналарга экскурсиялар уюштирилди. Дастлаб улар «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Гуруҳларга бўлиниб цехларни кўрдилар, корхонада асосий маҳсулот — қишлоқ хўжалик машина-механизмлари қатори кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш тажрибаси билан танишдилар.

Маълумки, кейинги вақтларда пойтахт областимиздаги саноатнинг «А» гуруҳига кирувчи корхоналарда ҳам халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Лекин у ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти. Шу нуқтаи назардан тракторсозларнинг ишларини намуна қилиб кўрсатса арзийди. Улар бундай маҳсулотларни тайёрлашни кўпайтиришнинг резерв ва имкониятларидан оқилона фойдаланмоқдалар. Бирлашмада халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш 1985 йилда бошланган бўлиб, ўша вақтда ҳар бир сўм иш ҳақи фонди ҳисобига 15 тийиндан тўғри келган эди. Ҳозир бу нисбат 50 тийиндан ошди, келгуси беш йилликнинг учинчи йилида бир сўмдан ортади. Меҳнаткашлар эҳтиёжи учун етказиб берилаётган маҳсулот тури ҳозирдаёқ қирқтадан ошиб кетди. Корхона мутахассислари актив қатнашчиларига бу соҳадаги ютуқларини батафсил гапириб бердилар, саволларга жавоб қайтардилар.

Сўнгра актив иштирокчилари Орджоникидзе район тайёрлов идораси негизида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги область тайёрлов-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳузурида бўлиб, бу ерда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш қандай ташкил этилганлиги билан танишдилар. Шундан кейин Чирчиқдаги деярли барча саноат корхоналарига ташриф буюриб, саноатнинг «А» ва «Б» группаси бирлашма, завод, фабрикаларида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилиши, унинг ютуқ ва камчиликлари, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолари ҳақида мутахассисларнинг сўзларини тингладилар. Актив йиғилиши бўлган Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг биносида ташкил этилган кенг истеъмол моллари кўргазмасини кўздан кечирдилар, айни вақтда бу шаҳар саноат корхоналарида шундай товарлар ишлаб чиқарилишига оид фильмни томоша қилдилар.

Актив қатнашчилари шундай катта таассуротлар билан йиғилишни бошладилар. Уни область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мирқосимов** очди. Область партия комитетининг секретари **В. Г. Гордиенко** доклад қилди.

Докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришда қилинган ишлар ҳақида эмас, асосан бу тармоқлардаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр юритиб, жуда тўғри қилдилар. Зероки, областимиз меҳнаткашлари эҳтиёжи кенг истеъмол товарларининг бирор тури бўйича ҳали ҳам тўла таъминланмаяпти. Жумладан, бўёқлар билан таъминланиш талабнинг 21,1 процентини, мебель бўйича 40,3 процентни, болалар пойабзали турлари бўйича 20,7 процентни ташкил этиб турибди. Трикотаж, тикувчилик буюмлари, умуман пойабзал, хўжалик-рўзғор анжомлари, маданий эҳтиёжга хизмат қиладиган товарлар, ҳатто газламалар таъминоти ҳам талаб даражасида бўлмаяпти. Маиший, савдо хизмати кўрсатишни ҳам қаноатланарли дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

Йиғилишда партия, совет органлари, хўжалик раҳбарлари бозорни зарур кенг истеъмол буюмлари ва хизматлар билан тўла таъминлашнинг катта сиёсий ва социал-иқтисодий аҳамияти борлигининг ҳамон тўғри баҳолай олмаётганликлари алоҳида таъкидланди. Унга иккинчи даражали вазифа деб қараётганликлари, қолдиқ принципи асосида муносабатда бўлишдек қуролланган усулдан тўла воз кечмаётганликлари шунга олиб келдики, область шаҳарлари ва районлари бўйича халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини 1986—2000 йилга мўлжалланган комплекс программаси ҳозирдаёқ тўла бажарилмаяпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган уч йилида бу қолоқлик область бўйича 546,8 миллион сўмни ташкил этди. Фақатгина Тошкентдаги етти ва областдаги битта район унинг бажарилишини уддалади, холос.

Шуниси ачинарлики, областдаги йирик ишлаб чиқариш коллективлари кенг истеъмол буюмлар тайёрлаш планларини йилдан йилга барбод этмоқдалар. Бундай корхоналар орасида Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар бор. Улар миллион сўмлаб маҳсулотни кам бермоқдалар. Ҳар беш саноат корхонасининг биттаси ҳозиргача халқ учун буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймаган. Айниқса, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида бундай коллективлар кўп. Кон, металлургия саноати корхоналарида бунинг учун барча имкониятлар бор бўлса ҳам улардан фойдаланишда қатъийлик етишмаяпти.

Қатор қишлоқ районларида, айниқса Бўка, Пискент, Оҳангарон, Чиноз, Тошкент районларида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш жуда пастлигича қолмоқда, силжиш деярли бўлмаяпти. Уларда бу тармоқ бўйича кўрсаткич ўртача область даражасидан икки-уч баравар камдир, жон бошига ҳисоблаганда ниҳоятда орқада қолиняпти.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда саноатнинг «А» группаси корхоналари салмоқли роль ўйнашлари лозимлиги алоҳида таъкидланди. Уларда бундай маҳсулот ҳажмини иш ҳақи фондига тенглаштириш яқин йиллар ичида ҳал қилиниши лозим. Илғор корхоналарнинг тажрибаси бу уддаланадиган вазифа эканлигини кўрсатиб турибди. Ишлаб чиқариш коллективларининг йигирма проценти бу маррани эгаллаган.

Лекин, бу ҳали жуда кам. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги кунда республикамиз пойтахтидаги оғир саноат корхоналарининг Тошкент бўйича кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдаги улуши 5,28 процентни ташкил этмоқда, холос. Область оғир саноат корхоналари бўйича бу кўрсаткич янада қониқарсиздир. Уларда умуман областда тайёрланаётган халқ истеъмоли молларининг бор-йўғи 3,8 проценти ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар бир сўм иш ҳақи фондига нисбатан 34,26 тийиндан тайёрланмоқда.

Оғир саноатнинг айрим йирик корхоналаридаги бу нисбатни тилга олгинг ҳам келмайди. «Средазэнергоремонт» бирлашмасининг номи у қандай йирик корхона эканлигини айтиб турибди. Ўз-ўзидан унинг имкониятлари ҳам катта. Бироқ бирлашма раҳбарларига ҳафсала етишмаяпти. Шундай бўлмаса бу ерда ҳар бир сўмлик иш ҳақи фонди ҳисобига бир тийинлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Оқсоқол корхона — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи раҳбарлиги ҳам бу масалага бефарқ муносабатда бўлмоқда. Корхонада нисбатан бироз «дуруст» — икки тийинни ташкил этмоқда. Олмалиқ химия заводи, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ўн тийинга етмайди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида эса ҳар бир сўм иш ҳақи фонди ҳисобига кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини беш йиллик охирида 5,8 тийинга етказишни мўлжаллаб туришибди. Унинг ҳам бўлишидан бўлмаслиги кўп. Бундай корхоналар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ шунинг ўзи ҳам етарли бўлса керак. Йиғилиш бундай корхоналар маъмурияти, партия ташкилотларидан халқ рўзғори эҳтиёжлари учун моллар ишлаб чиқаришни уюштиришга нисбатан бўлган номақбул муносабатни тубдан ўзгартиришни ва бу соҳада яқин вақтлар ичида кескин бурилиш ясашни, уни виждон иши деб тушунишни талаб этди.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган сабабларнинг бири янги қувватларни барпо этишдаги сусткашлик бўлмоқда. Шундай буюмлар тайёрлашга мўлжалланган объектларнинг бирортаси ҳам белгиланган график асосида қад кўтармаяпти. Йиғилишда кўплаб шундай мисоллар келтирилди. Олмалиқ тикувчилик фабрикасида шундай цех қурилиши жуда суст бормоқда. Наримановда янги қувватларни қуришга ҳали киришилганича йўқ, ваҳоланки уни аллақачон бошлаш керак эди. Сергели ошхона мебели ишлаб чиқариш бирлашмасида янги цех олти йилдан бери қурилмоқда. Аслида эса у икки йил давомида қўлдан чиқарилиши керак эди. Умуман енгил саноатнинг тўққизта объектини бунёд этишда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми планининг бажарилиши ўттиз олти процентни ташкил этди.

Йиғилишда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кооперативларни кенг жалб қилиш, бунинг учун уларнинг тармоғини кенгайтириш, хизмат соҳаларини, шу жумладан маиший, савдо, пулли хизматни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлиги, жойлардаги партия, совет органлари, хўжалик раҳбарлари аҳолининг турли-туман кенг истеъмол буюмлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун барча чораларни кўришлари — давр талаби эканлиги таъкидланди.

— Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорликни ошириш, хўжаликни юритишнинг янги механизми дастакларини оқилона ишга солиш керак,— деди Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари **С. Тўлаев** ўз сўзида.— Оҳангарон цемент комбинатида цемент ишлаб чиқаришни планда назарда тутилганидан 10 процент кўпайишини таъминладик. Бироқ бундан район ҳеч қандай наф кўрмади, ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ихтиёримизда бирор тонна ҳам қолдирилмади. Линолеум тайёрлашда ҳам шундай бўлди. Тартиб бўйича ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот район эҳтиёжи учун қолдирилиши керак. Бу сўз билан амалий ишнинг бир бўлмаётганлигини кўрсатмайдими?

Республика Енгил саноат министри **Х. Таймазов** областда индустрия бу тармоғининг ривожланиши ҳақида батафсил тўхталди ва янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш учун ер майдони ажратиб бериш ниҳоятда чўзилаётганлигини кўрсатди, айни вақтда бундай муҳим объектлар барпо этишни судраётган, пайсалга солаётган, унга ҳали ҳам қолдиқ принципи асосида муносабатда бўлаётган бинокорлик ташкилотлари раҳбарларини танқид қилди.

— Кенг истеъмол буюмлари бўйича тармоқлараро инженерлик комплексини ташкил этиш вақти келди,— деди Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Д. Азизхўжаев**,— у барча саноат тармоқлари корхоналари коллективларининг шундай моллар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва бошқариш билан шуғулланадиган бўлсин. Нотиқ ўз сўзини давом эттириб, оғир саноат корхоналарида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кооперативлар ихтиёрига топширишни таклиф этди.

Музокараларда қатнашган область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **О. Айдаков**, республика Давлат таъминот комитети иккиламчи ресурслар бўлими мудири **Н. Курашова**, Маҳаллий саноат министри **Ў. Исмоилов** ва бошқа нотиқлар ҳам областда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан резолюция қабул қилинди.

**М. МИРҲАМИДОВ.**





● **СУРАТЛАРДА:** актив йиғилиши қатнашчилари областимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган турли-туман кенг истеъмол товарлари билан танишмоқдалар.

А. Мальцев фотолари.

## ГРУЗИЯДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Комендантлик соати жорий этилганига қарамай, Тбилисидаги вазият ҳамон кескин бўлиб турибди. Шаҳарнинг турли жойларида шаҳарликлар, асосан ёшлар тўда-тўда бўлиб тўпланиб 9 апрелга ўтар кечаси бўлган воқеалар хусусида ғазабланиб гапирмоқдалар, бу воқеалар натижасида 18 киши ҳалок бўлган, 200 дан кўпроқ киши турли даражада жароҳатланган, жумладан жамоат тартибини сақлаш хизматчиларидан 91 киши жароҳат олган (шулардан 20 киши касалхонага ётқизилди, тўрт кишининг аҳволи оғир).

Шаҳар ички ишлар бошқармасида норасмий бирлашмаларнинг бошлиқлари Гамсахурдиа, Костава, Чантурия, Саришвили, Хухунашвили қамоққа олинганлигини маълум қилишди.

Ахборот хизматларининг сусткашлиги оқибатида аҳоли бўлаётган воқеалардан ўз вақтида хабардор қилинмаяпти, натижада ҳар хил овозлар, уйдирмалар тарқалмоқда ва бўрттирилмоқда, хусусан нобуд бўлганлар сони тўғрисидаги расмий хабар шубҳа остига олинмоқда.

Тегишли ташкилотларнинг рухсатнома беришда сусткашлик қилганлиги тунги сменада ишловчи корхоналар ва муассасалар иши тўхтаб қолишига олиб келди.

Кеча Грузия Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди, унда республика ва унинг пойтахтида юз берган вазият билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Марказий Комитет бюроси Тбилиси ҳамда республиканинг бир қанча шаҳарларидаги маънавий-сиёсий вазиятни уни барқарорлаштириш учун шошилинч чоралар кўришни талаб қиладиган ғоят кескин вазият деб тан олиб, айни вақтда юз берган вазиятни партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари асосан контрол қилиб турганликларини таъкидлади.

Бюро мажлиси ишида Э. А. Шеварднадзе билан Г. П. Разумовский ўртоқлар қатнашдилар.

Грузия Компартияси Марказий Комитетида Э. А. Шеварднадзе илмий ва ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашди. Учрашувда Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили қатнашди. Учрашувда, жумладан, Тбилисида юз берган воқеалар бутун республика учун фожиа эканлиги, бу воқеалар шаҳарда яшовчи ҳар бир кишига дахл қилганлиги ҳақида гапирилди. Бу хатти-ҳаракатлар учун қаттиқ жавобгарлик талаб қилиниши керак, ҳеч ким ўз қилмиши учун жавоб беришдан қочиб қутилмаслиги лозим.

Комендантлик соати жорий этилган шароитда шаҳар аҳли босиқлик ва хотиржамлик билан иш тутиши лозимлиги таъкидланди.

Республиканинг турли регионларидан олинаётган хабарлар ҳамма жойда вазият нормаллашаётганидан далолат бермоқда.

Кеча Грузияда мотам белгиси сифатида давлат байроқлари қуйи эгиб қўйилди, томошалар бекор қилинди. Республика газеталари юз берган фожиа хусусида газетхонларнинг чуқур қайғу изҳор этилган, реализмга, ақл-идрок билан иш қилишга даъват этувчи хатларини эълон қилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

**Тбилиси шаҳри.**
(«Правда»нинг 1989 йил 12 апрель сонидан).

*КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга*

*СССР— умумий уйимиз*

# БУЮК ДЎСТЛИГИМИЗНИНГ

**ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИДА миллий муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги вазифаларга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Икки кун давом этган бу анжуманда мамлакатимиз 23 олий ўқув юртидан 37 нафар вакил — олимлар, педагоглар, студентлар қатнашдилар.**

**Конференция иштирокчиларидан аксарияти кўп миллатли ишчи коллективларида ўзаро ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, туб ислоҳот жараёнида миллий муносабатларнинг шаклланиши, совет кишисида ватанпарварлик, интернационализм ва маънавий баркамоллик туйғуларини мужассамлашуви, КПССнинг ҳозирги йўли ҳамда миллий муносабатлар каби қатор мавзуларда докладлар қилдилар.**

**Конференция иштирокчилари СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР халқ депутати Э. Ю. Юсупов, Тошкент область партия комитетининг секретари Э. И. Фозиловларнинг қайта қуриш жараёнида миллий муносабатларни янада такомиллаштириш, икки тиллиликни ривожлантириш ҳамда ўзбек тилига давлат статуси берилиши ҳақидаги таклифлар билан боғлиқ муаммоларга оид маърузаларини ҳам тингладилар.**

**Анжумандан сўнг махсус мухбиримиз муҳокама этилган масалалар қандай қизиқиш уйғотганлигини билиш мақсадида конференция қатнашчиларидан бир группасига мурожаат қилди.**

**Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Э. ШАЙХОВ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор**

Агар эътибор берган бўлсангиз ҳозиргина доклад қилган институт партия комитетининг секретари Ҳикматилла Шоумаров ўз сўзида жуда қизиқарли фактларни келтирди. У билим даргоҳимизда юзга яқин миллат фарзандлари таҳсил олаётганликлари, шу жумладан Осиё, Африка, Лотин Америкасига мансуб бўлган 50 миллат ўғил-қизлари ўқиётганликларини таъкидлади. Ўн икки мингдан зиёд талабани ўз бағрига олган институтимизда социал масалаларнинг сезиларли даражада ҳал этилганлиги туфайли талабалар ўртасида эътирозларга ўрин қолмаган. Бизда студентлар учун ҳам, оилалилар учун ҳам ётоқхоналар тамомила етарли. Жуда бой кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи, замонавий жиҳозланган ошхона, янги ўқув корпуслари, спорт иншоотлари, маданий муассасалар студентлар ихтиёрида.

Бўлажак мутахассисларга етук олимлар, малакали педагоглар билим бермоқдалар. Институт лабораториялари, ўқув кабинетларининг моддий базаси ҳам анча мустаҳкам. Группаларда дарслар студентларнинг истакларига кўра рус ва ўзбек тилларида олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси студент ёшларни бир-бирига яқин, дўст-биродар қилиб тарбиялаш, уларда интернационализм ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга ёрдам бермоқда. Хўш, шундай экан миллий муносабатларни такомиллаштиришга доир бу илмий-амалий конференциянинг ташаббускори бўлиш бизга нима учун зарур бўлиб қолди, тинчгина дарсимизни ўқитиб, ишимизни қилиб юраверсак бўлмасмиди? Шундай қилиш ҳам мумкин эди. Лекин бутун мамлакатда миллий муносабатлар муаммоси анчагина долзарб бўлиб турган бир пайтда бошқа шаҳарлардаги ҳамкасбларимизнинг бу масала юзасидан фикрларини равшанроқ билиш, студентларнинг ички дунёсини, уларнинг фикр-мулоҳазаларини аниқ билиш зарурати туфайли шу йиғилиш уюштирилди. Очиғини айтиш керакки, конференция ҳар биримизга анчагина бой маълумотлар берди. Меҳмонларимиз докладларига кўра миллий муносабатларга бўлган қарашларда умумийлик билан бирга, масалаларга турлича ёндашув мавжудлигини ҳам кўрсатди. Хусусан, доклад қилганлардан айримлари аралаш никоҳни ёқлаб гапирсалар, баъзилар келажакда бу авлоднинг тили, маданиятига салбий таъсир кўрсатишини билдирдилар. Баъзилар ҳар бир миллатда миллий ифтихор бўлгани яхши десалар, бошқалар ана шу ифтихор кўп ҳолларда ноўрин ғурурланишга, миллий маҳдудликка олиб бораётганлигини уқтиришга ҳаракат қилдилар.

Ўз фикримга келганда шуни айтиш керакки, ўзбек тилига давлат статуси берилиши ҳақидаги масаланинг ҳал этилаётгани ўринли бўлди. Лекин бу республикамизда истиқомат қилаётган бирон миллат тилининг камситилишига йўл қўйилади, деган сўз эмас. Биз талабаларда рус тилига меҳр уйғотганмиз ва уйғотаверамиз. Чунки билимли, малакали мутахассис ўз қобиғига ўралашиб қолиши керак эмас. Биз иттифоқ, балки жаҳон илми даражасида фикрлай оладиган кадрлар тайёрлашимиз керак. Бундай савияга эга бўлишимизда миллатлараро кўприк бўладиган рус тилига мурожаат қилишимиз тайин.

Хусусан, мен учун конференция жуда қизиқарли бўлди. Энг муҳими бу анжуманда талабаларимизнинг дилини яна ҳам кўпроқ тушунишимга ёрдам берди. Рўйирост айтишим керак, бизнинг коллективимиздан кимки минбарга чиқиб ўз фикрини айтган бўлса «жамиятимизда бирон бир тил камситилмаслиги, айни пайтда устун бўлиб кетмаслиги ҳам керак» деган фикрни олдинга сурди.

**В. АКСЕНТЬЕВ,**
**Ставрополь қишлоқ хўжалик институти фалсафа кафедрасининг доценти**

Бу ерда ўтган илмий-амалий конференцияни ҳаммамиз учун мактаб бўлди дейиш мумкин. Нима учун биз ўзимизда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида барқарор топган анъана — ҳар бир факультетда аниқ бир республикага бағишланган «Тантана куни»ни ўтказишни жорий этмаслигимиз керак? Бу жуда муҳим. Миллатлар ўртасида бир-бирига меҳрни оширади, дўстликни мустаҳкамлайди. Ёки Волгоград қишлоқ хўжалик институтидаги «Биз ягона оила фарзандларимиз» клуби ишини оммалаштирсак бўлмайдими. Жуда бўлади. Мен Житомир, Гроднен, Ульянов, Оренбург шаҳарларидан келган вакилларнинг докладларидан ҳам анчагина таассуротлар олдим. Уларнинг миллатлараро муносабатларни мунтазам эътиборда тутиш, бунга умум ҳаётимизнинг энг муҳим муаммоси сифатида қараш керак деган фикрларига қўшиламан. Айни пайтда ана шу таклифларни ривожлантириб, миллий масалада илмий изланиш ҳам яхши самаралар беради, демоқчиман. Бу соҳани фақат «дўстлик, иноқлик, аҳиллик» сўзларини ишлатавериш ёки «ура-ура»га ташлаб қўйиб бўлмайди.

Ўтган йили ўлкамизда «Миллатлараро умуммуносабат маданияти» мавзуида ўтказилган социологик тадқиқотлар буни яққол кўрсатди. Олимлар ана шу изланиш жараёнида турли миллатга мансуб кишилар муносабатларининг айнан кўриниши манзарасини яратдилар. Кейин уларни келтириб чиқараётган сабаблар илдизини қидиришга киришдилар. Миллатлараро муносабатлар бўйича тарқатилган анкета орқали ўлкамизда яшаётган рус, украин, черкас, қорачой, абазин, нўғой ва бошқа миллатга мансуб бўлган зиёлилар, студентлар, ишчи ва хизматчилар, деҳқонларнинг фикри ўрганилди. Кейин бу мулоҳазаларга электрон ҳисоблаш машиналари хулоса чиқариб берди.

Натижа қуйидагича бўлди:

— бирон бир миллат тарихи, маданиятини чуқур билмасдан туриб у ҳақда бўлар-бўлмас гапларни гапиравермаслик керак;

— инсон фақат ўз миллати, маданиятинигина улуғлаб қолмай, бошқаларни ҳам ўзидек кўриши ва уларга ҳурмат билан қараши лозим;

— ўзидан бошқа миллат ҳақида саёз фикр юритиш одамларда ҳақорат туйғусини уйғотади ва миллатчиликка олиб келади;

— ўқувчиларга бошқа миллатлар ҳақида маълумот бериш асосан оилада, ота-она, қариндошлар томонидан бошланади, шундай экан, бошиданоқ бу ишга тўғри ёндашиш зарур;

